# Эй Билол, Намозга иқомат айтиб бизларни роҳатлантиринг!», – деганларини эшитдим»,- дедилар

Солим ибн Абу Жаъд разияллоҳу анҳу айтадилар:«Бир киши:«Қани эди намоз ўқиб роҳат олсам», – деди. Шунда ёнида ўтирган инсонлар ҳудди уни айблагандай бўлдилар. Шунда Солим ибн Абу Жаъд разияллоҳу анҳу:« Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни: «Эй Билол, Намозга иқомат айтиб бизларни роҳатлантиринг!», – деганларини эшитдим»,-дедилар».

[Саҳиҳ] [Абу Довуд ривояти]

Саҳобалардан бири: «Қани эди намоз ўқиб роҳатлансам», – деди. Атрофидагилар ҳудди бу нарсани айблагандай бўлдилар. Шунда Солим ибн Абу Жаъд разияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламни: «Эй Билол, роҳатланишимиз учун азон ва қомат айтинг!» деган сўзларини эшитганлари ҳақида айтиб бердилар. Чунки унда Аллоҳга бўлган муножот, қалб ва руҳга роҳат бор.

http://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/65095